

## А Ж Р И М

(ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш ҳақида)

2019 йил июль ойининг 25 куни, жиноят ишлари бўйича Урганч туман суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик этувчи судья Д.Муратов, М.Ашировнинг котиблигида, тарафлардан Урганч туман прокурорининг ёрдамчиси А.Хужаев ва туман прокурорининг катта ёрдамчиси Ж.Камилов, жабрланувчи [REDACTED], фуқаровий даъвогар [REDACTED] ва айбланувчи [REDACTED] лар иштирокида,

[REDACTED] ( [REDACTED] [REDACTED] ), [REDACTED] йил [REDACTED] декабрь куни Урганч шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилалик [REDACTED] нафар фарзанди бор, яқка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланади, муқаддам судланмаган, Хоразм вилояти, Урганч шаҳар, [REDACTED] шаҳарчаси, “ [REDACTED] ” кўчаси, [REDACTED]-йўлак, [REDACTED]-уйда яшайди, иш бўйича 2019 йил 19 июнь куни “шахсий кафиллик” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатнома нусхасини 2019 йил 25 июнь куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан айбланувчига оид 1-2202-1902/59-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, суд қуйидагиларни;

### А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи [REDACTED] [REDACTED] [REDACTED], 2019 йил 30 апрель куни соат тахминан 02<sup>00</sup> ларда бошқарувида бўлган онаси [REDACTED] га тегишли бўлган “Ласетти” русумли [REDACTED] [REDACTED] [REDACTED] давлат рақам белгилли автомашинани ишончнома орқали, маст ҳолда, Урганч туман “Чаккашоликор” қишлоғи ҳудудидан ўтган “Урганч-Гурлан” автомобиль йўли орқали Янгибозор тумани томондан, Урганч шаҳри томонга қараб бошқариб бораётиб, эҳтиёткорлик чораларини кўрмасдан, Вазирлар Маҳкамасининг 24.12.2015 йилдаги “Йўл ҳаракати қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 370-сонли қарорининг 3-бандида белгиланган йўл ҳаракати қатнашчилари “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ва Йўл ҳаракати Қоидалари талабларини билишлари, уларга амал қилишлари, шунингдек уларга берилган ваколат доирасида йўлларда ҳаракатни тартибга солувчиларнинг кўрсатмаларини сўзсиз бажаришлари шарт” деб, 12-бандидаги “ҳайдовчига қуйидагилар тақиқланади, транспорт воситасини мастлик ҳолатида (алкоголь, гиёҳванд моддалар истеъмол қилган ва ҳ.к.), сезгирлик ва эътиборни сусайтирадиган дори-дармонлар таъсирида, йўл ҳаракати хавфсизлигига таҳдид

соладиган даражадаги чарчоқлик ва бетоблик ҳолатида бошқариш тақиқланади” деб, 53-бандидаги “ҳайдовчи ҳаракатланишни бошлаш, йўналишни ўзгартириш (қайта тизилиш, бурилиш, қайрилиб олиш, қувиб ўтиш ва айланиб ўтиш) ва тўхташдан олдин бажарилаётган манёвр хавфсиз эканлигига ва бошқа ҳаракат қатнашчиларига ҳалақит бермаслигига ишонч ҳосил қилиши керак” деб, 65-бандидаги “тўрт ва ундан ортиқ бўлакли, ҳаракат икки томонлама бўлган йўлларда қарама-қарши йўналишда ҳаракатланиш учун мўлжалланган бўлақларга чиқиш тақиқланади” деб, 70-бандидаги “агар қатнов қисми йўл чизиқлари билан бўлақларга ажратилган бўлса, транспорт воситаларининг ҳаракатланиши қатъий равишда белгиланган бўлақларда амалга оширилиши керак. Фақат қайта тизилишда узук-узук чизиқларни босиб ўтишга рухсат этилади” деб, 77-бандидаги “ҳайдовчи ҳаракатнинг серқатновлигини, транспорт воситаси ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олган ҳолда транспорт воситаси тезлигини белгилангандан оширмасдан бошқариши керак. Тезлик ҳайдовчига ушбу қоидалар талабларини бажариш учун транспорт воситасининг ҳаракатини доимий назорат қилиб бориш имкониятини бериши керак. Ҳаракатланиш вақтида ҳайдовчи аниқлай олиши имкониятидаги хавф юзага келса, у транспорт воситасининг тезлигини у тўла тўхташни таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриши керак” деб, 78-бандидаги “аҳоли пунктларида транспорт воситаларининг тезлигини соатига 70 километрдан, турар жой даҳалари ва ёндош ҳудудларда (уй-жой бинолари орасидаги ер участкасида) эса соатига 30 километрдан оширмасдан ҳаракатланишга рухсат этилади” деб, 135-бандидаги “кўзи қамашган ҳайдовчи авария ишораларини ёқиши, ҳаракатланиш бўлагини ўзгартирмасдан тезликни камайтириши ва тўхташи керак” деб, 179-бандидаги “транспорт воситаларидан транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлиги белгиланган тартибда мажбурий суғурта қилинмаган бўлса фойдаланиш тақиқланади” деб кўрсатилган бандларини қўпол равишда бузиб, ушбу йўлни 2 километрга келган пайтида бошқарувни йўқотиб, қарама-қарши йўналишга чиқиб кетиб, қарама-қарши йўналишда Урганч шаҳри томондан, Янгибозор тумани томонга қараб ҳаракатланиб келаётган [REDACTED] бошқарувида бўлган “Нексия” русумли [REDACTED] [REDACTED] [REDACTED] давлат рақам белгили автомашинаси билан ўзаро тўқнашиб, йўл транспорт ходисаси содир қилган.

Натижада, “Нексия” русумли [REDACTED] [REDACTED] [REDACTED] давлат рақам белгили автомашина ҳайдовчиси [REDACTED] [REDACTED] [REDACTED] ни 15.05.2019 йил кунги №793-сонли экспертиза хулосасига кўра оғирлик даражаси бўйича “Хаёти учун хавфли бўлган” оғир тан жароҳати олишига, унинг даволаниши учун 2.000.000 сўм пул ҳамда бошқарувида бўлган “Нексия” русумли автомашинасига 15.06.2019 йил кунги №181ХТБ-2019-сонли баҳолаш ҳисоботида кўра 11.554.000 сўм миқдорда моддий зарар етишига сабабчи бўлган.

Суд-тиббий экспертизасининг 2019 йил 15 майдаги 763-сонли хулосасига кўра, [REDACTED] да бош мия ёпик жароҳати, бош мия лати енгил даражаси, сагитал чокни очилиши, чап болдир соҳаси ва қорин олд девори юмшоқ тўқимаси лати, пешона соҳаси юмшоқ тўқимаси лати аниқланиб, ушбу тан жароҳатлари оғирлик даражаси бўйича ҳаёт учун хавфли бўлган оғир тан жароҳати тоифасига киришлиги хулоса қилинган.

Суд мажлисида сўроқ қилинган [REDACTED], судда айбига тўла иқрорлик билдириб, 2019 йил 29 апрель куни соат тахминан 22<sup>00</sup>ларда маҳалласидаги озиқ-овқат дўконида олдида икки шиша пиво истеъмол қилиб, соат тунги 01<sup>00</sup>ларда Урганч шаҳар “[REDACTED]” кўчасида яшовчи бувисини яшаш уйига тунаб қолиш мақсадида, онаси [REDACTED] ни номида бўлган “Ласетти” русумли автомашинасини маст ҳолда бошқариб Урганч тумани Чаккашоликор қишлоғи ҳудудидан ўтган “Урганч-Гурлан” автомобиль йўли орқали автомашинасини соатига тахминан 75-80 километр тезликда Янгибозор тумани томондан Урганч шаҳри томонга қараб бошқариб бориб, ушбу автомобиль йўлининг ўзига нисбатан ўнг томонида жойлашган ароқ-вино сотиладиган дўконлар ёнига яқинлашганида, шу ерда жойлашган светофорни огоҳлантириш чироғи ёниб турганлиги сабабли тўхтатмасдан ҳаракатланиб, ушбу дўконлар олдидан ўтганидан сўнг ўзига қарама-қарши йўналишда кетма-кет ҳаракатланиб келаётган енгил русумли автомашиналарнинг чироқларидан кўзи қамашиб, ҳаракатланиб келаётган йўлини кўрмасдан олдида ҳеч қандай тўсиқ йўқлиги сабабли автомашинасини тўхтатмасдан ҳаракатини давом қилдириб бориб, ушбу қарама-қарши йўналишда кўзини қамаштириб келаётган автомашиналар ўзини ён томонидан ўтиб кетганидан сўнг ўзи қарама-қарши йўналишга ўтиб кетганлигини, ўзидан тахминан 10-15 метр масофа узоқликда, рўпарасида битта енгил русумли автомашина ўзининг ҳаракатланиш йўналишида келаётганлигини кўрганлигини, кейин ўзи дарҳол қарама-қарши йўналишда ҳаракатланганини билиб ҳамда ушбу рўпарасида келаётган автомашина билан тўқнашиб кетмаслик учун ўзининг ҳаракатланиш йўналишига ўтиш мақсадида автомашинасини рулини ўнг томонга қараб бурганлигини, лекин шу пайтда ушбу автомашина билан оралик масофа жуда яқин бўлганлиги сабабли ўзининг йўналишига қайтиб ўтолмасдан қарама-қарши йўналишда ўзининг бошқарувида бўлган “Ласетти” русумли автомашинанинг чап томон қисми билан рўпарасида ҳаракатланиб келаётган автомашинани ҳам чап томон қисми билан тўқнашиб кетганидан ўзи тўлиқ автомашинасини бошқарувини йўқотганлиги натижасида тўқнашувдан сўнг автомашинаси ағдалиб кетганлигини, ўзи ушбу йўл транспорт ходисаси натижасида қаттиқ кўрқиб, ўзини йўқотиб қўйганлигини, ўзига келганида шу ерда нотаниш йўловчилар ўзини автомашинадан чиқариб олишганлигини, ўзини бошқарувидаги автомашинасида “Нексия” русумли автомашина билан тўқнашиб кетганлигини билганлигини, ҳозирда содир этган қилмишидан пушаймонлигини, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарлар билан ярашиб олганлигини, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарларга етказилган

зарарларни тўлиқ қоплаганлигини билдириб, уни жазодан озод қилишни сўради.

Жабрланувчи [REDACTED] ва фуқаровий даъвогар [REDACTED] лар судга ярашиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиб, ҳозирда [REDACTED] томонидан уларга етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлигини, унга нисбатан ҳеч қандай даъволари йўқлигини, ўзаро ихтиёрий равишда ярашиб олганликларини кўрсатиб, уни жавобгарликдан озод этишни сўрашди.

Дастлабки тергов органи томонидан [REDACTED] нинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 266-моддасининг 1-қисми билан квалификация қилиниб, мазмунан кўриш учун судга юборилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 25 октябрь кунги “Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида”ги Қарорининг 3-қисмида, “Тушунтирилсинки, қонунда ярашув тўғрисидаги ариза суриштирув ва дастлабки терговнинг исталган босқичида, яъни шахс гумон қилинувчи ёки айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилинган пайтдан бошлаб, судланувчи эса жиноят ишини кўриб чиқаётган биринчи инстанция суди маслаҳатхонага киргунга қадар берилиши мумкин”, 5-қисмининг 3-хатбошисида, “Шунингдек, ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд муҳокамаси жиноят иши судга келган пайтдан эътиборан ўн суткадан кечиктирилмай ўтказилади. Ярашув тўғрисидаги ариза суд мажлисида берилган ҳолларда, бу масала суд мажлисида дарҳол ҳал этилиши лозимлиги судларга уқтирилсин” деб кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66<sup>1</sup>-моддасида, ушбу кодекснинг 266-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этган шахс, агар ўз айбига иқроп бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, жиноий жавобгарликдан озод қилиниши мумкин” деб кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 84-моддасининг 4-қисмида, “Жабрланувчи Жиноят кодексининг 66<sup>1</sup>-моддасида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича жабрланувчи судланувчи билан ярашган тақдирда жиноят иши ушбу Кодекснинг 62-бобида белгиланган тартибда суд томонидан айблилик масала ҳал қилинмасдан туриб тугатилиши мумкин” деб кўрсатилган.

Суд, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 585-моддаси талабларидан келиб чиқиб, ярашиш тўғрисидаги ариза ихтиёрий равишда ёзилганлигини, судланувчи [REDACTED] ўз айбига ихтиёрий иқроп бўлганлигини, қилмишидан пушаймонлигини, етказилган моддий зарар бартараф қилинганлигини, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарни унга нисбатан даъвоси йўқлигини, тарафларни ярашув битимига розиликларини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 84-моддасининг 4-қисмига асосан [REDACTED] ни айблилик масаласини ҳал қилмасдан туриб, уни

жинойй жавобгарликдан озод қилиб, жиноят ишини тугатишни лозим деб топди.

Шу билан бирга, суд жабрланувчи [REDACTED] ва фуқаровий даъвогар [REDACTED] ларга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан, ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим топди.

Юқоридагиларга кўра, суд Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66<sup>1</sup>-моддаси, Жиноят-процессуал кодексининг 84, 401, 582-583, 585-586-моддаларини қўллаб,

### А Ж Р И М Қ И Л Д И :

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 266-моддасининг 1-қисми билан айбланган [REDACTED] [REDACTED] [REDACTED] Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66<sup>1</sup>-моддасига асосан жиноий жавобгарликдан озод қилинсин ва жиноят иши Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 84-моддасининг 4-қисмига асосан тугатилсин.

Жабрланувчи [REDACTED] ва фуқаровий даъвогар [REDACTED] га мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотганлиги тушунтирилсин.

[REDACTED] га нисбатан қўлланилган “шахсий кафиллик” эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Жиноят натижасида жабрланувчи [REDACTED] ни даволаш учун давлат бюджети ҳисобидан сарфланган маблағларни қоплаш мақсадида [REDACTED] томонидан топширилиб, “Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти” Хоразм вилоят ҳудудий бўлимининг АТ “Хамкор банк” Урганч филиали депозит ҳисоб рақамида сақланаётган 408.687 (тўрт юз саккиз минг олти юз саксон етти) сўм пуллари тегишли тартибда давлат даромади ҳисобига ўтказилсин.

Ажримдан норози томон ўн кун муддат ичида жиноят ишлари бўйича Урганч туман суди орқали жиноят ишлари бўйича Хоразм вилоят судига хусусий шикоят ва хусусий протест келтиришлари мумкин.

Раислик қилувчи судья

/имзо/

Д.Муратов

Аслига тўғри,

Жиноят ишлари бўйича

Урганч туман судининг судьяси

Д.Муратов